

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«Тасдиқлайман»**

Тошкент тиббиёт академияси  
хузуридаги педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш тармоқ маркази  
директори, доцент

\_\_\_\_\_ **У.А.Ташкенбаева**  
«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2015 й.

**“ОЛИЙ ХАМШИРАЛИК ИШИ ФАНЛАРИНИ  
ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ”  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчилар:**

**проф. Разикова И.С.  
Асс.Мирпайзиева М.А.**

**Тошкент -2015**

## **МУНДАРИЖА**

|  |    |
|--|----|
| ИШЧИ ДАСТУР .....  | 3  |
| МАЪРУЗА МАТНИ .....  | 8  |
| Мавзу: Олий хамширалик иши фанларини ўқитишнинг тараққиёт тенденциялари.....                               | 8  |
| Мавзу: Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш истиқболлари .....          | 17 |
| АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР МАЗМУНИ .....   | 25 |
| Мавзу. Олий хамширалик иши фанларини янги ахборот информацион ва интерактив технологияларни қўллаш .....   | 25 |
| Мавзу. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш истиқболлари (4 соат) ..... | 30 |
| Мавзу. Олий хамширалик иши фани йўналишидаги инновацион фаолият тузилмаси(4 соат) .....                    | 36 |
| НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.....   | 43 |
| ГЛОССАРИЙ.....   | 44 |

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **I.Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Олий ҳамширалиқ иши фанларини ўқитишда илғор таълим технологиялари” модулининг мақсади:** Олий ҳамширалиқ иши фанларини ўқитишда педагогик маҳорат тўғрисида тушунча бериш, тингловчиларнинг олий ҳамширалиқ иши фанлари муаммоларини таҳлил этишда педагогик маҳорат бўйича кўникма ва малакаларини шакллантириш ва тиббиёт олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари олий ҳамширалиқ иш фанлари бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларнинг замонавий муаммолари хақида билимларини такомиллаштириш, педагогик муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш, олий ҳамширалиқ иши таълим йўналишига назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентлткни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

**“Олий ҳамширалиқ иши фанларини ўқитишда илғор таълим технологиялари” модулининг вазифалари:**

- замонавий олий ҳамширалиқ иши фанлари муаммоларини ҳал қилишда педагогик маҳоратдан фойдаланиш;
- педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар , таълим ва тарбия хақидаги хужжатлар;
- Олий ҳамширалиқ иши фанларининг тараққиёт йўналишлари ва инновациялари хақида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш ва чуқурлаштириш;

#### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитучилари малакасини оширишга қўйиладиган давлат талаблари ва тайёргарлик йўналишлари бўйича намунавий дастурлар асос қилиб олинган.

#### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмуни ўқув режадаги олтинчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган холда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

**“Олий ҳамширалиқ иши фанларини ўқитишда илғор таълим технологиялари” модули бўйича тингловчилар инновацион таълим технологиялари муаммоларини таҳлил этиш ва баҳолаш, педагогик муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.**

**Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

| №  | Модул мавзулари   | Тингловчинингўкув юкламаси, соат |                         |          |    |  |         | Мустакил таълим |                |
|----|---|----------------------------------|-------------------------|----------|----|--|---------|-----------------|----------------|
|    |   | Хаммаси                          | Аудитория ўқув юкламаси |          |    |  |         |                 |                |
|    |   |                                  | жами                    | жумладан |    |  | Назарий | Амалий машгулот | Кўчма машгулот |
| 1. | Олий хамширалик иши фанларини ўқитишнинг тараққиёт тенденциялари                      | 4                                | 4                       | 2        | 2  |  |         |                 |                |
| 2. | Олий хамширалик иши фанлар ини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш истиқболлари | 8                                | 6                       | 2        | 4  |  |         |                 | 2              |
| 3. | Олий хамширалик иши фани йўналишидаги инновацион фаолият тузилмаси                    | 6                                | 4                       |          | 4  |  |         |                 | 2              |
|    | <b>Жами:</b>  | 18                               | 14                      | 4        | 10 |  |         |                 | 4              |

**НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1- мавзу. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишнинг тараққиёт тенденциялари (2 соат)**

Режа:

- Олий хамширалик иши йўналишида интеграция
- Республика ва хорижда олий хамширалик иши соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар
- Ўқув жараёнининг сифатини таъминлаш борасида замонавий ёндашувлар

**2- мавзу. Олий хамширалик иши фанлар ини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш истиқболлари (2 соат)**

Режа:

- Талабалар фаолиятини фаоллаштириш асасида таълимни ташкил этиш

2.Инновацион таълим технологияларининг мохияти, турлари ва назарий асослари

3.Кейс стади. Назария, амалиёт ва тажриба

Тингловчиларни замонавий ўқитиш технологияларини кўриб чиқиши. Таълим жараёнини ташкил этишда замонавий технологияларини ёритиш. Олий хамширалик иши фанини таълим жараёнида тингловчиларни фаоллаштириш, фан ва техника янгиликларини ўргатиш ва амалиётга жорий этишга ўргатиш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1 - мавзу. Олий хамширалик иши фанларини янги ахборот информацион ва интерактив технологияларни қўллаш (2 соат)**

1. Олий хамширалик иши йўналишида касбий компетентликни ривожлантириш

2. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шаклларини

3. Замонавий педагогик технологияларни олий хамширалик иши фанларини уқитиш жараёнига татбиқ этиш

### **2- мавзу. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш истиқболлари (4 соат)**

1.Педагогик маҳорат тушунчаси

2.Олий хамширалик фанларни ўқитишда интерактив усулларни қўллаш

3.Муаммоли ўқитиш технологияси

### **3-мавзу. Олий хамширалик иши фани йўналишидаги инновацион фаолият тузилмаси (4 соат)**

1.Электрон парфолио тушунчаси. Мазмуни ва имкониятлари

2.Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш

3.Фанларни ўқитишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш

## **КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

Кўчма машғулот режада йўқ

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Олий хамширалик фанларини ўқитишни ташкил этиш шакллари.
2. Олий хамширалик фанларини ўқитишда кейс-стади технологияларидан фойдаланиш
3. Олий хамширалик фанларини ўқитишда лойиҳалаш услубини тадбиқ этиш
4. Олий хамширалик фанларини ҳамкорликда ўқитиш технологиясидан фойдаланиш.
5. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда интерфаол таълим услубини тадбиқ этиш
6. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда амалий ўйин услубидан фойдаланиш
7. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда ахборот технологияларини қўллаш
8. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда электрон таълим ресурсларидан фойдаланиш
9. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда мультимедиа тақдимотларини яратишнинг методик асослари
10. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда электрон дарсликлар яратишнинг методик асослари
11. Олий хамширалик иши фанлардан электрон ўқув-методик мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
12. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда чет эл тажрибасини ўрганиш ва тадбиқ этиш
13. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда Интернет тармоғидан фойдаланиш
14. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда талабалар билимини назорат қилиш ишчи дафтарларини яратиш
15. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда маъруза, амалий машғулотларини ташкил этишнинг методик асослари
16. Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда талабалар билимини аниқлаш ва баҳолаш мезонлари
17. Олий хамширалик иши фанлари ўқитувчиларининг компетентлигини шакллантириш

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

2. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер.учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.

### **Интернет сайтлар:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
3. [www.talim.uz](http://www.talim.uz)

## МАЪРУЗА МАТНИ

### Мавзу: Олий хамширалик иши фанларини ўқитишнинг тараққиёт тенденциялари

**Режа:**

1. Олий хамширалик иши йўналишида интеграция
2. Республика ва хорижда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар
3. Ўқув жараёни сифатини таъминлаш борасида замонавий ёндошувлар

**Таянч иборалар:** интеграция, инновация, таълим технологияси, педагогик технология, ўқитиши методикаси, информацион технология, мотивация.

#### **Олий хамширалик иши йўналишида интеграция**

Замон педагоглари учун ўқитишнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланиш давр талабидир. Бундан асосий мақсад янги педагогик технологияни жорий этишдир. Унинг асосида ўқитиш фалсафасини тубдан ўзгартириш, ўқитишнинг дикқат марказида талаба бўлиши кузда тутилган. Хозирги кун талабига кура талabalарни ўқитишнинг асосий вазифаларига: билимларни эгаллаш, ўзлаштириш, тушуниш, тахлил қила олиш, умумлаштириш ва ўзини ўзи баҳолаш, амалий қўникмаларни ўзлаштириш ва албатта фикрлаш доирасини кенгайтириш киради.

Интеграция – “тиклаш, тўлдириш ва бирлаштириш” деган маънони билдиради. Мутахассисларни тайёрлашнинг янги сифатли йўлларидан бири - фанлараро интеграцион дарсларни амалиётга тадбиқ этиш хисобланади. Педагог талabalарни ўқитиш жараёнида нафақат назарий, касбий, балки амалий қўникмаларни юқори профессионал тарзда амалга оширади. Интеграцион дарслар бутун ва қисман бўлиши мумкин. Бутун бир дарсни интеграциялаш мушкул лекин, шуни айтиш керак-ки, бундай дарслар талabalарда жуда катта қизиқиш уйғотади. Интеграцион дарсларда жуда кўп муаммолар ечимининг бартараф этилиши, ҳар хил текширув ва ташхис усулларидан фойдаланиши, икки ва ундан ортик педагогларнинг дарсда иштироки албатта дарс жараёнининг қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Фанлараро интеграция - ўқитиш жараёнининг энг янги ва фаол йўли бўлиб, педагог ва педагогик жамоанинг ижодий потенциалини ошишига ва шу йўл билан талабанинг билим даражаси юксалишига тез эришишига олиб келади. Интеграциянинг яна бир фазилати шундан иборат – ки, бугунги кунда тиббиётимизда юз бераётган нохуш холатларнинг яъни:

- тор мутахассисликларнинг қўпайганлиги;
- янги - янги фанларнинг қўпайганлиги;

- ўзидан бошқа мутахассисликнинг клиник симптомларини билмаслик ва ҳокозолар. Демак, Интеграция - фанлар тизимини такомиллаштиришга, ривожлантиришга, камчиликларни чуқурлаштиришга олиб келади.

Кўп йиллик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тиббиёт олийгоҳларини тугатиб, бевосита bemor билан ишлаш жараёнида талабанинг мустақил фикрлаш ва шошилинч холатларда тез ташхис қўйиш, даволаш ишларини айнан - мустақил ўтказилиши жуда катта қийинчиликларга олиб келади. Шу жойда шуни таъкидлаш жоизки, интеграция - бу бир фаннинг бошқа фанга алмашиниши эмас, балки фаннинг янги қирраларини очиш ва чуқур ўрганиш орқали, илмий асослашга ёndoштириш демакдир. Ўқитиш жараёнида интеграция фанлар ичida ва фанлараро булиб утади.

Интеграцион ўқитиш орқали талабани мустақил фикрлашга, вазиятни чуқур тахлил қила олишга, яъни билимларини жамлай олишга ва шу орқали фикрлаш доираси кенгайтиришга эришилади. Педагог интеграцияланган дарсга тайёргарлик кўриш вақтида нималарга эътибор берниш керак?

- дарснинг мақсадини аниқ белгилаб олиши;
- мавзу мақсадидан келиб чиқиб, аниқ адабиётларни тавсия қилиши;
- танланган фаннинг нима учун интеграция қилинаётганлигини;
- тизимли омилни аниқлаши;
- янги ўқитишнинг авфзалликларини аниқ билиши;
- эски ўқитиш тизимидағи маълумотларни сақлаб қолиши керак.

Бу янги технологияда маъruzаларни ташкил қилиш жуда мураккаб, кўп режали жараён бўлиб, куйидаги тавсияларга риоя қилиниши керак:

- муамони дарс режасига мос равишда тузиш;
- дарс қизиқарли утиши учун керакли материалларни танлаш (текст, видеоматериал, слайд);
- дарс жараёнида боғловчи иплар бошқа мавзуларни хам ураб олинишини таъминлаш;
- тарқатма материаллардан фойдаланиш;
- аудиториянинг тайёргарлик даражаси;

Талабаларга янги ўқитиш жараёни нимаси билан ёқади?

- вақт тез ўтиши;
- хар педагоглар билан бир вақтда муроқот ўрнатилиши;
- қисқа муддатда кўп информация берниш;

Фанлараро интеграцияларда нималарга риоя қилиш керак?

- фанлараро узаро боғлиқлигини асосий технологияси нимадан иборат эканлиги, яъни хар бир фаннинг ўз мақсади, вазифа ва дастурлари аник, лўнда бўлиши шарт;
- фанлараро боғлиқликни ўрганиш орқали талаба дунёкарашининг кенгайиши, фикрлашининг тезлашиши ва муаммоларни бир бутунлигича қабул қила олишини таъминлашга эришиш керак;
- фанлараро интеграция муаммолар бутунлигини таъминлаши ва қайтарилиши, хамда қарама - қарши фикрлаш бўлмаслигини таъминлаши керак;
- фанлараро интеграция талабани қизиқиши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш орқали уни илмий ёндошувига чорлаши керак;
- конкрет ва ҳар томонлама ёндошув орқали талаба ўз билимларини тез ўз амалётига тадбиқ эта олишга эришиш керак.

Педагогларга фанлараро интеграция нима беради?

- ўз дарсларини ўзи ташқаридан баҳоланиши;
- назарий билимларини ягона мақсадли тизимга бирлаштирилиши;
- ўзининг кучли ва кучсиз томонларини билиб олиши;
- ўз маъруза ўқиш стилини ўзгартириши.

### **Республика ва хорижда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар**

Бугунги кунда бизнинг тошкент тиббиёт академиясининг “Ҳамширалик иши” кафедрамизда ҳамширалик иши фанлари бўйича талabalарга тренинг, кейс усулида, интрактив технологиялардан кенг фойдаланилади. Дарсда муаммоли - клиник вазиятли масалалар ечилади, имитация шаклида яъни “талаба – бемор - ҳамшира” ўйини кўринишида бевосита палата ва тематик ўқув ҳоналаримизда амалий кўникмалар ўтказилади. Кафедрамизда талabalарнинг мустақил ишига алоҳида эътибор берилади ва барча фанлардан асосий ўқув қулланмаларининг электрон шакллари, мажмуалари бор. Талабани ўқитиш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш, модулли ўқитиш ва уларнинг мустақил ишга ёндоштириш ўз мевасини бериб келмоқда.

Олий ҳамширалик иши фанларини ўқитишда: ўқитишнинг кўргазмали - тушунтирувчи, муаммоли, дастурлашган дифференциал, фаол, ривожлантирувчи каби умумлашган технологиялари мавжуд. Педагогик технология деганда, таълим-тарбия жараёнига мажмуи сифатида ёндошиш тушунилади. Педагогик технология асосини педагогик жараёнга мажмуили ёндошув тамойили ташкил қилас экан, у методика (услубиёт) деган тушунчадан ўзини воқеликка мажмуили ёндашув қонуниятларидан келиб чиқсанлиги билан ажralиб туради. Педагогик технологиянинг педагогик

услубиётдан иккинчи фарқи, у бутун педагогик жараён элементларини ўзаро узвий алоқадорликда кўрган ҳолда жараённинг лойиҳасини тузиб чиқади. Унинг учинчи, анъанавий педагогик усул ва услублардан фарқи, у талабалар томонидан, уларга берилган билимни айтиб беришга эмас, балки таълим жараёнининг якунида қандайдир бир амалий ишни бажаришга йўналтирилганлигидадир. Педагогик технологиянинг бошқа таълим услублардан тўртинчи фарқи, у дарс берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигидадир. Илмий асосланиб, яхши лойиҳалаштирилган педагогик технология бўйича ҳар қандай ўқитувчи ҳам, аъло бўлмаса-да, яхши дарс бера олади. Ҳар ҳолда, аввалгидек - «дарсдан кўзланган мақсадга объектив сабабларга биноан дарс бузилди» ва шунга ўхшаш гапларга педагогик технологияда ўрин йўқ. Педагогик технологиянинг юқорида айтиб ўтилган хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг таърифини келтирамиз. Педагогик технология - таълим ва тарбия жараёнига янгича ёндашув бўлиб, педагогикада ижтимоий - муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техникавий тафаккур асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ тушунчадир. Фан ва техниканинг жадал ривожи, таълим тизимининг тубдан ислоҳоти касбий тайёргарликка бўлган эътиборни янада кучайтиришни тақозо қилмоқда. Кўргазмали - тушунтирувчи, муаммоли, дастурида таълим ва тарбия жараёнида мустақил ва эркин фикрлайдиган шахс тарбиясига эътиборни қаратиш таъкидланган. Шунга биноан ўқув жараёнининг умумлашган педагогик технологиялари мукаммаллаштирилмоқда, педагогик жараёнда янги педагогик технологиялар кириб қелмоқда. Аввалом бор умумлашган педагогик технологиялар нима? Бу ўқитишида кўлланиладиган услублардир. Улар ёрдамида ўқитувчи мавзуни талабаларга қизиқарли, тушунарли, ишонарли қилиб ёритиб беради. Умулашган педагогик технологияларни кўллашда ўқитувчи қуйидаги ҳолатларда эътиборини қаратиши лозим :

1. Энг муҳим объектив алоқа ва муносабатларни ниҳоятда тўла ва ишонарли қилиб ёритиб бериш; дарс давомида ўқувчилар фикрини аниқ воқеалардан мавҳумга ва аксинча мавҳум воқеалардан аниқ воқеаларга усталик билан жалб қилиш; бу жараён талабалар мавҳум тафаккурини ўсишига туртки бўлиб уларнинг таҳлил қила олишларини енгиллаштиради.

2. Дарс жараёнида талабаларнинг фаоллигини максимал даражага кўтариш, талабаларнинг эркин ва мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиради.

3. Талабалар мустақил ишига эътиборини қаратиш. Бу улардаги мустақилликни оширади. Юқорида қайд қилганимиз сингари таълим бериш технологияси – таълим бериш фаолиятида қўлланиладиган воситалар тизими

ҳамда тизимнинг ишлаш усулидир. Қуйида улар тўғрисида маълумотлар берилган:

Ўқитишининг қўргазмали технологияси. Инсоннинг борлиқни идрок этишида сезги органларининг ўрни бекиёсdir. Биз кўриб, эшишиб, таниб, хидлаб предметларни англаймиз, ажрата оламиз. Инсоннинг шу хусусияти хисобга олинган ҳолда таълим жараёнида қўргазмали технология қўлланилади. Бу технология ўқувчи ўрганаётган нарса ва ҳодисаларни хиссий идрок қилишига, уларни кузатиб мушоҳада қилишга ундиади. Бугунги кунда таълим жараёнига анъанавий қўргазма воситалари бўлган : а) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар – расм, сурат, фотосурат, диафильм, кинофильм ва ҳоказолар. б) буюм, нарса, ҳодиса ва воқеларнинг бирор шартли белгиси орқали ифодаланган символик ва схематик тасвирий материаллар – жуғрофия ва тарихий карталар, чизмалар, жадваллар, диаграмма ва ҳоказолар. Кўргазма воситалари қаторига иккала турини, яъни а+б хусусиятларини ўз ичига олган электрон дарсликлар ва вертуал стендлар кириб келди. Кўргазмали воситалардан фойдаланишдан олдин талабаларга воситани қўллаш мақсади қисқача тушунтирилиб, материал баёни пайтида намойиш этилади. Кўргазмали восита ўқитувчи томонидан намойиш этилади. Агар қўргазмали материаллар етарли бўлса талабаларга тарқатиш ҳам мумкин. Тажриба шуни курсатмоқдаки, ўқувчилар қўпинча ўзларининг фикри аниқ буюмларнинг хоссалари ва белгиларидан ёки дарсда ўргатилаётган аниқ фактлар ҳамда воқеалардан аста – секин чалғитилган тақдирдагина абстракт тушунчаларни ўзлаштириб олишга қодир бўладилар. Бунда кўриб, ҳис этиб, идрок қилишдан абстракт фикрлашга, аниқликдан умумийликка, воқеадан унинг моҳиятига, воқеаларнинг хилма – хиллигидан уларнинг қонуниятларига аста – секин ўтиб бориш имконини берадиган кўрсатмалийкнинг маҳсус системаси муҳим аҳамият касб этади. Бир хил воқеалар ёки буюмларнинг ўзини акс эттирувчи кўрсатма қўлланмаларда мана шу воқеа ва буюмларнинг асосий муҳим томонлари ҳамда белгилари аниқ ажралиб туриши жуда муҳимдир. Ўқитувчи ҳам иш жараёнида ўқувчилар диққатини худди шу нарсаларга жалб этиши керак. Натура кадрларни схематик мультиплексиляциялар билан бирга қўшишдан таркиб топадиган кино парчалар бундай ўқув қўлланмаларнинг энг такомиллашган туридир. Бундай ўқув қўлланмалар бўлмаган пайтда доскага чизиб кўрсатиладиган схемали чизмалардан кўрсатмалийкнинг тасвирлаш воситалари сифатида фойдаланиш мумкин. Дарсга кўрсатмалийк воситаларини ҳаддан ташқари кўпайтириб юбориш ярамайди. Бу ўқувчилар диққатини тарқатиб юбориб, уларга асосий нарсани

аниқлаб олиш имконини бермайди-ки, бунингиз қонуниятларни тўғри тушунтириб, умумлаштириб ва улардан тўғри хulosалар чиқариб бўлмайди.

## **Ўқув жараёни сифатини таъминлаш борасида замонавий ёндошувлар**

Муаммоли таълим технологиясининг йўналишлари. Муаммони яратиш технологияси. Йигирманчи йиллардаёқ методистлар ўқитишнинг янги методларини излашди. Улар ўқувчилар фаннинг турли соҳаларидан иложи борича кенгроқ маълумотларни ўзлаштириши билан бирга уларда мустакиллик, ҳаётга ижодий муносабат малакаларини таркиб топтириши керак, деган хulosага келдилар. Ана шу мақсадда ўқитишни ўқувчиларнинг у ёки бу шаклдаги таълимий фаолияти тадқиқотни эслатадиган, ўқувчилар учун “кашфиётлар” билан тугайдиган, яъни улар мустақил ҳолда хulosадиқарадиган ва қандайдир амалий вазифани ҳал қиласидиган методларга асосланиш таклиф этилади.

**1. Тадқиқот методи.** Бу метод, биринчидан, билимларни ижодий кўлланишини таъминлашга, иккинчидан, илмий билиш методларини излаш жараёнида мазкур методларни ва уларнинг кўлланишини ўзлаштиришга қаратилади. Учинчидан, ижодкорлик фаолияти хислатларини шакллантиради, тўртинчидан, ана шундай фаолиятга қизиқиши ҳамда эҳтиёжни таркиб топтиришнинг шарти ҳисобланади. Ана шу хусусиятларни назарда тутиб методни ўқувчиларнинг ўзлари учун янги муаммони ҳал қилиш бўйича ижодкорлик фаолиятини ташкил этиш йўли сифатида таърифлаш керак. Ўқувчилар ўзлари учун янги саналган муаммоларни ҳал қиласидилар. Тадқиқот методида топшириқларнинг шакли ҳар хил, масалан, синфда ва уйда тез бажариладиган топшириқлар, дарс жараёнини тақозо этадиган ишлар, маълум, лекин чекланган муддатга мўлжалланган уй вазифаларидан иборат бўлиши мумкин. Чунончи жамоа хўжалигининг, заводнинг, мазкур аҳоли пунктидаги ташкилотнинг тарихини ўрганишга доир топшириқлар ғоят фойдали ва самарали тадбирлардир.

Тадқиқот методининг босқичлари:

1. Фактлар ва ҳодисаларни кузатиш ҳамда ўрганиш.
2. Тадқиқотга доир тушунарсиз ҳодисаларни ойдинлаштириш.
3. Гипотезани олға суриш.
4. Тадқиқотнинг режасини тузиш.
5. Режани амалга ошириш.
6. Ечимни тузиш.
7. Ечимни текшириш.
8. Амалий хulosалар.

Тадқиқот методида ҳам оғзаки ва матбуот сўzlари, кўрсатмали воситалар, амалий ишлар, ёзма ва график ишлар, лаборатория иши ва ҳоказолардан фойдаланилади.

**2. Қисман изланиш ёки эвристика методи.** Ўқувчиларни аста - секин муаммоларни мустақил ҳал қилишга яқинлаштириш учун уларга аввало ечимнинг айрим босқичларини бажаришни ўргатиш, уларда аста - секин кўникумга ҳосил қилиш зарур. Тадқиқот методининг биринчи вариантида ўқувчиларга кўрсатилган расмга ва сўзлаб берилган мазмунга саволлар тузишни тавсия этиш орқали муаммоларни кўра олиш, айтилган фактлардан хулоса чиқариш ўргатилади. Мазкур методнинг бошқа бир варианти мураккаб масалани тушунилиши осон ва хар қайсиси асосий масалани ечишга яқинлашишни енгиллаштирадиган кичик масалаларга ажратишдан иборатдир. Ўзаро боғлиқ саволлардан ташкил топадиган эвристик сухбатни тузиш тадқиқот методининг учинчи варианти бўлиб, мазкур саволларнинг хар бири муаммони ҳал қилиш йўлидаги қадам ҳисобланади ва кўплари ўқувчилардан фақат ўз билимларидан фойдаланишни эмас, балки изланишларни амалга оширишни ҳам талааб қиласди.

**3. Тушунтириш, намойиш этиш методи.** Бу методнинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ахборотни ўзлаштиришини ташкил этишdir. Уни ахборот – рецептив метод, деб ҳам аталади. (рецепция - идрок) ва унда ўқитувчи билан ўқувчи фаолияти давом этади. Бу фаолият шундан иборатки, ўқитувчи тайёр ахборотни турли воситалар билан беради, ўқувчилар эса ана шу фаолиятни идрок этадилар ва эслаб қоладилар. Ўқитувчи ахборот беришни оғзаки сўз (хикоя), матбуот (дарсликлар, қўшимча қўлланмалар) даги иборалар, кўрсатмали қуроллар ва ҳоказолар ёрдамида амалга оширади. Ўқитувчилар билимларни ўзлаштириш учун зарур ишларни бажарадилар – янги ахборотни тинглайдилар, кўрадилар, ўқийдилар, кузатадилар ва уни илгариги ўзлаштирилган ахборот билан таққослайдилар, хотираларида олиб қоладилар. Улар синфда ўтириб ўсимликнинг қандай униб чиқишини, гуллардан мевалар ҳосил бўлишини, баланд тоғларда, чукур денгизларда жониворлар қандай яшашларини кузатишлари ҳам мумкин.

**4. Муаммоли баён қилиш.** Ушбу методнинг моҳияти ўқитувчи муаммони қўйиб, уни ўзи ҳал қилиши ва ечимнинг аҳамиятини ўқувчиларга тушунарли зиддиятлар орқали кўрсатишдан иборатдир. Ўқувчилар ечимга олиб борадиган йўлнинг мантигини, тавсия этилган гипотезаларнинг ҳақиқатга ўхшашлигини, исботларнинг ишончлилигини кузатадилар. Улар дастлабги пайтларда хулосаларга ишонмасалар ҳам, лекин кейинчалик муаммоли баён билан муаммоларни мустақил ҳал этиш жараёни аста – секин мувофиқлашуви натижасида хулосалар чиқарадиган, эҳтимол ўз муҳоқамаларининг мантигини туза оладиган бўлиб қоладилар. Шунга кўра ўқитувчи мустақил ҳал эта оладиган муаммолардан мураккаброқ муаммоларни танлаш мумкин.

**5.Репродуктив метод.** Ўқувчилар кўникма ва малакаларни эгаллаши, шу билан билимларни ўзлаштиришнинг иккинчи даражасига эришиши учун ўқитувчи топшириқлар тизими орқали уларнинг ўзларига берилган билимларни бир неча марта эслатади. У топшириқлар беради, ўқувчилар эса топшириқларни бажарадилар – ўхшаш масалаларни ечадилар, намунага қараб турлайдилар ва туслайдилар. Ўқитувчининг неча марта ва қандай оралиқларда такрорлаши ўзининг қобилиятига, топшириқнинг қийин ёки осонлигига боғлиқ.

**Дастурлашган ва дифференциялашган таълим технологияларида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти.** Дастур асосида таълим беришдан мақсад таълим жараёнининг асосий қонуниятларига таяниб таълим бериш ва бу ишни бошқариш учун энг қулай шарт – шароит яратишдир. Таълим жараёни индивидуаллаштирилади. Ҳар бир ўқувчи ўз индивидуал имкониятларига яраша мустақил иш олиб боради. Таълим мазмуни, билим бериш ва уни уқиб олиш, малака ҳамда кўникмалар ҳосил қилиш жараёнлари дастурлаштирилади. Таълимни дастурлаштиришда аввало ўқувчилар мазкур темани ўрганиш натижасида қандай билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишлари кераклигини, мазкур тема материалларини уқиб олиш учун ўқувчилар илгари олган билимлари ҳамда ҳосил қилган малака ва кўникмаларидан қайси бири бевосита мазкур фанни ва аралаш бошқа фанларни ўрганиш учун зарур бўлишини аниқ белгилаб олиш назарда тутилади. Мана шундан келиб чиқиб, мавзу мазмуни қисмларга тақсимланади, бу қисмлардан ҳар бири уқиб олиш ва назорат қилишни тақозо этадиган янги материалнинг тугалланган бир бўлاغи ҳисобланади. Билим ҳосил қилиш ва малакалар таркиб топтириш жараёнини дастурлаштиришда ўқув материалини уқиб олиш учун ўқувчининг қандай ақлий ва жисмоний ишлар қилиши лозимлигини белгилаб олиш назарда тутилади. Буни ишлаб чиқариш таълимiga тадбиқ этиш – меҳнат усуллари, операция ва жараёнлар, машқларни бажариш методикаси талабларига риоя қилинган ҳолда танланган ва бажариладиган жараёнлар, шунингдек, ўз олдига қўйилган саволларга жавоб топиш, жавобларни таърифлаб бериш учун ўқувчи бажарадиган таққослаш, анализ, турли ҳисоблаш – ўлчаш сингари билим олиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар юқорида айтиб ўтилган ақлий ва жисмоний ҳаракатлар жумласига киради. Қўйилган масалалар ўрганилаётган меҳнат усуллари, операциялар ва жараёнларнинг тахминий негизини ўқувчилар томонидан фаол равища ва тўла уқиб олинишини таъмин этиш керак. Ҳар бир элементнинг уқиб олиниши устидан назорат ўрнатиш ва бундан аввалги элементни муваффақият билан билиб олгандан кейингина навбатдаги элемент устида ишлашга киришиш – дастур асосида таълим беришнинг энг

зарур таркибий қисмидир. Дастур асосида таълим бериш ўқувчиларнинг ўқув материалининг ҳар бир элементи соҳасидаги топшириқларни бажаришлари ва уларни уқиб олишлари устидан назорат ўрнатиш сингари ишлар ўқитувчининг бевосита иштироки билан амалга оширилишини тақозо қиласди. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ақлий функцияларни, яъни технология жараёнларини режалаштиришда, бузилган жойларни қидириб топишда ва хоказоларда дастур асосида таълим бериш жуда яхши самара беради. Бунинг учун дастурлаштирилган босма қўлланмалар ҳам, унча мураккаб бўлмаган ўқитиш машиналари – тренажёрлар ҳам қўлланилади. Профессионал – техника таълими системасидаги ўқув юртларида турли хил ўқитиш дастурлари ва техника воситалари яратиш ҳамда жорий иш юзасидан ҳам катта амалий ишлар қилинган. Касб-хунар коллежларида ўқитишга хизмат қиласиган машиналарнинг ҳар хил типлари кўплаб ишлаб чиқилган, уларнинг расмий жорий қилинган дастур (линияли ва шахобчали) турлари, қарши алоқани йўлга қўйиш (тайёр жавобларни конструкция қилиш ёки танлаш) характеристири, қандай мақсадда фойдаланилиши (тренажерлар, экзаменаторлар, репетиторлар) турлари билан бир –бирларидан фарқ қиласди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

2. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер.учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.

Интернетдаги маълумотлари:

<http://www.medmir.ru.>,

## **Мавзу: Олий хамширалик иши фанларини ўқитишида интерфаол методлардан фойдаланиш истиқболлари**

### **Режа:**

1. Талабалар фаолиятини фаоллаштириш асосида таълимни ташкил этиш
2. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари
3. Кейс стади. Назария, амалиёт ва тажриба

**Таянч иборалар: инновация, назорат, бахолаши.**

### **Талабалар фаолиятини фаоллаштириш асосида таълимни ташкил етиш**

Хозирги замон дарси учта максадни; таълим,тарбия ва ривожлантириш максадларини кузда тутади. Ўқитувчилар дарс жараёнида биринчи навбатда укувчиларга фанлардан чукур ва мустахкам билим бериш билан бирга,уларда билимга кизиқиши,мехнат килишга эҳтиёжни тарбиялаб боришни кўзда тутилади. Хозирги замон дарсига куйиладиган энг муҳим талаблардан бири хар бир дарсда танланадиган мавзунинг илмий асосланган булишидир,янги дарсдан кузланган максад хамда укувчилар имкониятини хисобга олган холда мавзу хажмини белгилаш унинг мураккаблигини аниклаш,аввалги урганилган мавзу билан боялаш,укувчиларга берадиган топширик ва мустакил ишларнинг кетма-кетлигини аниклаш дарсда керак буладиган жихозларни белгилаш ва қушимча кургазмали куроллар билан бойитиш,қушимча ахборот технология (компьютер)ларидан фойдаланган холда дарсда муаммоли вазиятни яратишидир. Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар туфайли навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун беқиёс имкониятлар яратилган. Юртимиз ўғил-қизларини баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар доирасида иқтидорли ўкувчиларнинг чуқурлаштирилган тартибда ва инновацион технологиялар асосида билим олишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни соҳада орттирилган тажрибанинг халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётганидан ҳам англаш мумкин. Ҳусусан, Тошкентр Тиббиёт Академиясида ўқув жараёни ва амалиётга татбиқ этилган ўзига хос ёндашувлар Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида қўлга киритилаётган муваффакиятларни ўзида яққол ифода этади. Эътиборлиси, уларга энг малакали педагоглар, шу жумладан, Тошкентр Тиббиёт Академияси кафедраларида профессорлар, фан номзодлари ва тадқиқотчилар

иштирокида очиқ дарслар, давра сұхбатлари ҳам ўтказиб борилмоқда. Шунингдек, барча педагогларнинг инновацион технологиялар бўйича тизимли равища малака оширишлари таълим самарадорлигини янада яхшилашга хизмат қилаяпти.

Олий ўқув юртида таълимни такомиллаштириш мақсадида педагогик муроқотнинг янги шакллари, ахборотларнинг таркибий қисмларини қайта ишлаб чиқиши, ўқув фаолиятини бошқаришнинг янги шакллари талаб қилинади. Технологик тараққиёт бугунги кунда ижтимоий жараёнларни кузатиб боришига қодир энг муҳим компонентлардан бириди. Педагогик таълим технологиясини яхшилаш жамият маданий савиясини ва унинг иқтисодий қудратини шакллантириш шартиди. Ўқитиши технологияси таълимнинг фаолиятини таъминлайди, билимларни меҳнат жараёнига татбиқ этишини таъминлайди, педагогнинг онглилигини қолипга туширади, унинг жадал ҳаракат қилишига ва ҳаёт йўлига таъсир кўрсатади. Касбий ўқитиши технологияси шахсни интизом, ирода ва ихтисосликка бўлган қизиқиши юзага келтиради. Мутахассисга бўлган ҳар томонлама талабни қаноатлантиришга қаратилган таълим технологиялари педагог ва талабанинг ҳамкорлигига тазликда мосланган психологик-педагогик шарт-шароитларни амалга оширишига йўналтиради. Мутахассисларни касбий тайёрлаш технологик тамойили бўлғусидаги касбига қаратилган мақсадлар, мазмун функциялари, ўқитиши методлари ди. Шундан келиб чиқсан ҳолда педагогик технологиялар ишлаб чиқлади. Педагогик технологиялар таърифларига бўлган турли ёндашувлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатдан ҳам ўқитиши технологиялари фан ва ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-педагогик жараён оралиғидан ўрин олади. Бу касбий дидактик тайёргарлик тизимидағи билимларнинг мустақил соҳаси бўлиб, у ўқитишининг дидактика назарияси ва амалиёти билан чамбарчарч боғланган. У ўқув фаолиятини бошқариш жараёнини лойихалаш ва конструкциялаш функцияларини ўқида қамраб олади. Ўқитиши технологияси таркибига ўқув жараёнини бошқаришнинг аниқ усуллари, бошқариш ва ўқитишининг айни истиқболли тадбирлари ҳақидаги ҳам назарий, ҳам амалий билимлар киритилади. Ўқув жараёнининг бориши шароитларига мос равища уларнинг изчиллиги белгиланади. Ўқитиши технологияси, ўқитиши назарияси, ўқитиши техникаси. Улар ўқув фаолиятини бошқариш ҳақидаги педагогик соҳалардир, улар умумлаштирилган даражасига кўра амалга оширилади. Педагогик технология таълим истиқболининг жараёнлаштирилган аспектидир. Ўқитиши технологиясини белгилаш-бу касбий фаолият соҳасидаги таълимий ва такомиллашиш самарасини таъминловчи ўқув жараёнини меъёрий бошқариб туришдир. Илмий адабиётларда педагогик технологиянинг уч аспекти

тўғрисида фикр юритилади: илмий, тавсифий, амалий. Илмий аспектда ўқитишнинг мақсади, мазмуни ва методлари илмий асосланади, педагогик жараён лойиҳалаштирилади. Тавсифий аспектда режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришининг мақсади, мазмуни, методлари ва воситаларининг иштироки асосида алгоритм жараёни амалга оширилади. Амалий аспектда педагогик технология жараёни амалга оширилади. Таълим амалиётига нисбатан педагогик технологиянинг уч сатҳи белгиланади: умумпедагогик, хусусий методик, локал (модул). Умумпедагогик технология яхлит таълим жараённи ифода қиласиди. Хусусий методик технология бир фан доирасидаги ўқув-тарбия жараёнини амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат бўлади. Локал (модул) технология ўқув тарбия жараёниниң маҳсус бўлимларига технологияни татбиқ қилишни ифода қиласиди. Бу технология хусусий дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилади. Педагогикада ўқитиш технологиялари билан бирга таълими технологиялар ҳам ўрин олган. Таълими технологиялар мазмун-ахборот аспектни билдиrsa, ўқитиш технологияси жараёнга алоқадор деб ҳисобланади, яъни улар орасида ҳали ҳам аниқ фарқлар белгиланмаган. Педагогик технология талабаларнинг тайёргарлик даражасига, уларнинг ахборотлар билан танишганлик ва амалий тайёргарлигига мосланган бўлиши лозим. Касбий таълим тизимида ўқитиш технологиялари фундаментал ва амалий билимларни ўзлаштирилишини, ҳаракатларнинг рефлективлигини акс эттиради ва ўз касбий фаолиятини шакллантиради. Педагогик технология ўқитиувчи ва талаба фаолияти билан белгиланади. Фаолиятнинг бундай турларига кўра педагогик технологиянинг тузилмаси аниқланади. Педагогик технологиянинг тузилмаси. У концептуал асос, таълим жараёни мазмуни, технологик жараёндан иборат бўлади. Ҳар бир педагогик технология муайян илмий концепцияга асосланади. Педагогик технологиянинг илмий концепциясига асосланади. Педагогик технологиянинг илмий концепцияси таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, ижтимоий-педагогик ва дидактик асослашларни қамраб олади. Таълим жараёни мазмуни таълим жараёниниң умумий ва аниқ мақсадлари, ўқув материали мазмунидан иборат бўлади.

### **Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари**

Бугунги дарс машғулотларимиз ҳам мазмунан, ҳам ташкилий жиҳатдан бутунлай замонавийлашган, Педаголар компьютер ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланаётганлигимиз туфайли ўрганилаётган мавзуни ўқувчига тўлақонли етказиш имкониятига эгамиз. Мухими, таълимдаги бундай янгича ёндашувлар ўқувчининг фанларни

ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширади. Турли видеолавҳалар воситасида, амалий машғулотларда инглиз тилидан сфойдаланиш, ўзаро баҳс ва мунозара олиб бориш, умуман, дарс жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Академияда ҳамма кафедралар интернетга уланган. Яъни ўқувчилар ўzlари қизиқсан фанлар бўйича интернет орқали ҳам тегишли маълумотни олишлари мумкин. ТТА ахборот-ресурс марказида эса адабиётлар ва дарс маъruzаларининг электрон кўринишидан фойдаланиш имконияти яратилган. Аудитория, клиника худудида лаборатория ҳам замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Интерфаол таълим методларини барча таълим муассасаларига татбиқ этиш асосида таълим самарадорлигини ошириш ва таълимни индивидуаллаштириш, шахсга йўналтириш, таълимда технологик ёндашувни шакллантириш, ҳамда фаол усулларни таълим жараёнларида қўллаш орқали ўқувчиларни мустақил равишда ўзлаштириш, таҳлил қилиш, ижодий мулоҳаза юритишга, шахсий хуносалар чиқариш, эркин фикр юритишга ўргатиш – педагогнинг дастуриламал вазифаси сифатида.

Таълим жараёнида янги интерфаол усулларни қўллаш, таълим жараёни қатнашчиларининг интерфаол таълим юзасидан билим даражасини ошириш, таълим жараёнида илмий тадқиқотлар, ташкилий бошқарувни қўллаб қувватлаш ва таълимдаги интерфаол усул тизимини яратиш, Интерфаол таълим асосида дарсларни ташкил қилиш орқали таълим самарадорлигини ошириш, уни шакллантириш йўллари ишлаб-чиқилиб амалиётга татбиқ этилади.

Дарсга куйиладиган асосий талаблардан бири-таълим методлари ва усулларини бир-бири билан мустахкам boglab олиб бориш самарадорлигини оширишdir.

### **I.Анъянавий дарс ўтиш усуллари.**

- 1.Уқув мавзусини оғзаки баён (хикоя) килиш методи.
- 2.Сухбат (савол-жавоб) методи.
- 3.Дарслик билан ишлаш методи.
- 4.Намойиш килиш –курсатиш,саёҳат килиш методи.
- 5.Амалий машғулотлар (масалар ва лаборатория ишларини бажариш) методи.
- 6.Амалий қўнималарни бажариш
- 7.Дастурли уқитиш методи

### **II. Ноанъянавий дарс утиш усуллари.**

1. Конференция дарси
2. Семинар дарси
3. Техника воситалари ёрдамида дарс утиш.
4. Касбга boglab дарс утиш

5. Экспериментал дарс утиш
6. Бахс-мунозара дарси
7. Ёзма ишлар олиш
8. Интеграция
9. Илмий адабиётлардан фойдаланиш.

Кейс - таълим олувчиларни муаммони ифодалашни ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи, бир гурӯҳ инсонлар ёки алоҳида шахсларни ҳаётий ташкиллашишидан олинган маълум шароитларини баёнли тақдим этилишидан иборат. Кўшимча ахборотлардан, жумладан аудио, видео-ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат.

Педагогик технология таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равища ривожлантириш тизими лойиҳасидир. Олий таълимни ислоҳ қилиш бу масалаларга илмий асосланган нуқтаи назардан ёндашишга мажбур этади. Ҳар қандай лойиҳалаш, ўқитишнинг илмий асосланган воситалари бўлгани ҳолда уннг технологикилиги ҳисобланмайди. Лойиҳалаш методологик функция бажаради. У талабанинг пчихик ривожланиш қонуниятлари, ўқув жараёнининг ривожланиш хусусиятлари ва педагогик бошқарув усусларининг тадқиқот воситаси сифатида майдонга чиқади. Олий ўқув юртида таълимни такомиллаштириш мақсадида педагогик мулоқотнинг янги шакллари, ахборотларнинг таркибий қисмларини қайта ишлаб чиқиши, ўқув фаолиятини бошқаришнинг янги шакллари талаб қилинади. Технологик тараққиёт бугунги кунда ижтимоий жараёнларни кузатиб боришга қодир энг муҳим компонентлардан биридир. Педагогик таълим технологиясини яхшилаш жамият маданий савиясини ва уннг иқтисодий құдратини шакллантириш шартидир. Ўқитиш технологияси таълимнинг фаолиятини таъминлайди, билимларни меҳнат жараёнига татбиқ этишини таъминлайди, педагогнинг онглилигини қолипга туширади, уннинг жадал ҳаракат қилишига ва ҳаёт йўлига таъсир кўрсатади. Технологик жараён ўқув жараёнини ташкил этиши, ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти, ўқув жараёнини бошқариш усуслари, ўқув жараёнини диагностикасини қамраб олади. Тадқиқотчилар ҳар қандай педагогик технологияларни қаноатлантирадиган мезонларни белгилайдилар. Изчиллик педагогик технологиянинг мезони сифатида жараённинг мантиқийлиги, педагогик технологиянинг барча қисмларининг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлигини ўз ичига олади. Педагогик технологиянинг мезонлардан бири бошқарувга асосланганлигидир. У ўқув жараёни диагностикаси, уни режалаштириш ва амалга оширишни лойиҳалаш, ундаги ўқитиш методлари ва воситалари билан ўзгартириб туришдан иборат бўлади. Педагогик технологиянинг самарадорлик мезони таълим жараёнининг

конкret шароитларида олинадиган юксак натижаларни кўзда тутади. Қайта тиклаш педагогик технологиялар мезонларидан биридир унда педагогик технологияларни бошқа ўқув юртларида қўллаш имконияти тушунилади. Шундай қилиб, олий мактабда мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги мураккаб ва доимий ҳаракатдаги тизимини ташкил этади. Бу тизимда бўлгуси ўқитиувчининг технологик тайёргарлиги алоҳида ўрин тутади. У бўлгуси педагогнинг интеллектуал ривожланиши, фаол ўқиши, ижодий шахснинг ривожланиши, тафаккурнинг касбий йўналганлигини идрок қилиш, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда тадқиқий (илмий) тамойилларни амалга ошириш билан боғланган.

### **Кейс стади. Назария, амалиёт ва тажриба**

Кейс-стади (инглизча case – вазият, ҳолат, study -ўрганиш). Кейс-стадида баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган ўқитиш усулидир. Кейс-стади - ўқитиш, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейс-стадида баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуудан иборат бўлган ўқитиш технологиясидир.

Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар маънавий баркамол инсонларнинг миллат, мамлакат ва умуминсоният олдида турган улкан вазифаларини кўрсатиб бериш; маънавий баркамол инсонни тарбиялаш заруatinинг ошиб бориш сабабларини санаб бериш; маънавий баркамол ва комил инсоннинг ақлий, ахлоқий, маънавий фазилатларини ёритиб бериш; муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллаш; муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топиш.

Кейс-стадининг асосий мақсади: Маънавий баркамоллик - инсонларнинг чуқур ва замонавий билимга, кенг дунёқарашга, мустақил фикрлаш салоҳиятига эга бўлиши, унинг юксак маънавий камолот соҳиби бўлишининг асосий шарти эканлиги, маънавий ҳаётимизни издан чиқаришга қаратилган жиддий хатарлар борлигини кўрсатиб бериш ҳамда таҳлил қилиш, уларнинг олдини олиш бўйича чора – тадбирларни ишлаб чиқиш

Кейс-ўқитиш технологиясининг педагогик аннотация

Куйидаги элементларни ўз ичига олади:

- Кейс мүлжалланган предмет, бўлим, мавзу, таълим даражаси, курскўрсатилади.
- Кейсданкўзланган мақсад (таълимий мақсад, режалаштириладиган ўқув натижалари).
- Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.
- Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.
- Ахборот олиш манбалари рўйхати
- Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс обьекти мавжудлиги, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, чизмалаштириш усули).
- Кейсдан кўзланган мақсад ва, тегишлича, ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

**Интерактив усулларнинг турлари  
КЕЙС-ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИННИГ УНИВЕРСАЛ МОДЕЛИ**

| <i>Мавзу</i>  |  |
|---|--|
| <i>Талабалар сони: ...<br/>киши.</i>  | <i>Вақти - ... соат.</i>   |
| <i>Ўқув машғулоти<br/>шакли</i>   | Билимларни кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган, малакалар орттирадиган семинар  |
| <i>Семинар режаси</i>   | <ol style="list-style-type: none"> <li>Ўқув машғулотига кириш.</li> <li>Билимларни долзарблаштириш.</li> <li>Кичик групкаларда кейс билан ишлаш.</li> <li>Натижалар тақдимоти.</li> <li>Мунозара, муаммоли вазият ечимини баҳолаш ва устувор ғояни танлаш.</li> <li>Хулоса. Групкалар ва талаблар фаолиятини, ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолаш.</li> </ol> |
| <i>Ўқув машғулоти мақсади: ... ҳақидаги билимларни чуқурлаштириш, ...<br/>малакаларини орттириш, муаммоли амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш малакаларини шакллантириш</i> |  |
| <i>Ўқув машғулоти натижалари:</i><br>... ни тавсифлайди,<br>таснифлайди, асослайди,   | <p><i>Ўқитувчининг вазифалари:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>... мавзуси бўйича билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш;</li> </ul>  |

|   |   |
|---|---|
| <p><b>таққослайди</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• кейсда тақдим этилган вазиятни таҳлил этади;</li> <li>• муаммо, вазифаларни ажратади ва ифодалайди, муаммоли вазиятни ҳал этиш алгоритмини ишлаб чиқади;</li> <li>• вазиятни таҳлил этиш асосида уни ҳал қилишга доир асосли қарор қилинади;</li> <li>• ҳисоб-китоблар амалга оширилади;</li> <li>• яқуний хулоса чиқарилади, уни асосли тарзда ҳимоя қиласи.</li> </ul> | <ul style="list-style-type: none"> <li>• муаммоли вазиятни таҳлил этиш, муаммо ва кичик муаммоларни ифодалаш, вазифалар қўйиш ва уларни ҳал этиш бўйича ҳаракатлар алгоритмини ишлаб чиқиш, иқтисодий асосланган қарорни қабул қилиш, ... ни прогноз қилиш малакаларини ҳосил қилиш;</li> <li>• ҳисоб-китоб юритиш малакасини орттириш,</li> <li>• ишлаб чиқилган нұқтаи назарни асослаш ва ҳимоя қилиш малакаларини ривожлантириш;</li> <li>• мунозара маданиятини, коммуникатив малакаларни ҳосил қилиш.</li> </ul> |
| <i><b>Таълим<br/>услублари</b></i>  | Кейс-стади, ақлий ҳужум, мунозара, амалий услуг   |
| <i><b>Таълим<br/>воситалари</b></i>   | Кейс, талабага услугбий кўрсатмалар, флипчарт   |
| <i><b>Таълим<br/>шакллари</b></i>   | Индивидуал, фронтал, жамоа, гурӯхларда ишлаш  |
| <i><b>Таълим шарт-<br/>шароитлари</b></i>   | Гурӯхларда ишлашга мослаштирилган аудитория   |
| <i><b>Қайтар алоқа<br/>усул ва воситалари</b></i>   | Кузатув, блиц-сўров, тақдимот, ўзаро баҳолаш  |

### **ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

2. Азизходжаева Н.Н., Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер.учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения: итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.

Интернетдаги маълумотларни қуйидаги сайтлардан олинади:

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

2. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)

**АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**  
**Мавзу. Олий хамширалик иши фанларини янги ахборот**  
**информацион ва интерактив технологияларни қўллаш**  
(2 соат)  
**Режа:**

1. Олий хамширалик ишида касбий компетентликни ривожлантириш
2. Педагогик фаолиятга инновацияларнинг тадбиқ этишнинг самарали шакллари
3. Замонавий педагогик технологияларни олий хамширалик иши фанларини ўқитиш жараёнига тадбиқ этиш

**Олий хамширалик ишида касбий компетентликни  
ривожлантириш**

Хозирги замон дарси учта максадни; таълим,тарбия ва ривожлантириш максадларини кузда тутади. Ўқитувчилар дарс жараёнида биринчи навбатда укувчиларга фанлардан чукур ва мустахкам билим бериш билан бирга,уларда билимга кизикишни,мехнат килишга эҳтиёжни тарбиялаб боришни кўзда тутилади. Хозирги замон дарсига куйиладиган энг муҳим талаблардан бири хар бир дарсда танланадиган мавзунинг илмий асосланган булишидир,янги дарсдан кузланган максад хамда укувчилар имкониятини хисобга олган холда мавзу хажмини белгилаш унинг мураккаблигини аниклаш,аввалги урганилган мавзу билан боглаш,укувчиларга берадиган топширик ва мустакил ишларнинг кетма-кетлигини аниклаш дарсда керак буладиган жихозларни белгилаш ва кушимча кургазмали куроллар билан бойитиш,кушимча ахборот технология (компьютер)ларидан фойдаланган холда дарсда муаммоли вазиятни яратишидир. Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислоҳотлар туфайли навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун беқиёс имкониятлар яратилган. Юртимиз ўғил-қизларини баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар доирасида иқтидорли ўкувчиларнинг чуқурлаштирилган тартибда ва инновацион технологиялар асосида билим олишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни соҳада орттирилган тажрибанинг халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётганидан ҳам англаш мумкин.— Бугунги дарс машғулотларимиз ҳам мазмунан, ҳам ташкилий жиҳатдан бутунлай замонавийлашган, Педагоглар компьютер ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланаётганлигимиз туфайли ўрганилаётган мавзуни ўкувчига тўлақонли етказиш имкониятига эгамиз. Муҳими, таълимдаги бундай янгича ёндашувлар ўкувчининг фанларни ўрганишга

бўлган қизиқишини янада оширади. Турли видеолавҳалар воситасида, амалий машғулотларда инглиз тилидан сфойдаланиш, ўзаро баҳс ва мунозара олиб бориш, умуман, дарс жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Академияда ҳамма кафедралар интернетга уланган. Яъни ўқувчилар ўзлари қизиқкан фанлар бўйича интернет орқали ҳам тегишли маълумотни олишлари мумкин. ТТА ахборот-ресурс марказида эса адабиётлар ва дарс маъruzаларининг электрон кўринишидан фойдаланиш имконияти яратилган. Аудитория, клиника худудида лаборатория ҳам замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Интерфаол таълим методларини барча таълим муассасаларига татбиқ этиш асосида таълим самарадорлигини ошириш ва таълимни индивидуаллаштириш, шахсга йўналтириш, таълимда технологик ёндашувни шакллантириш, ҳамда фаол усулларни таълим жараёнларида қўллаш орқали ўқувчиларни мустақил равишда ўзлаштириш, таҳлил қилиш, ижодий мулоҳаза юритишга, шахсий холосалар чиқариш, эркин фикр юритишга ўргатиш – педагогнинг дастурламал вазифаси сифатида. Таълим жараёнида янги интерфаол усулларни қўллаш, таълим жараёни қатнашчиларининг интерфаол таълим юзасидан билим даражасини ошириш, таълим жараёнида илмий тадқиқотлар, ташкилий бошқарувни қўллаб қувватлаш ва таълимдаги интерфаол усул тизимини яратиш, Интерфаол таълим асосида дарсларни ташкил қилиш орқали таълим самарадорлигини ошириш, уни шакллантириш йўллари ишлаб-чиқилиб амалиётга татбиқ этилади.

### **Педагогик фаолиятга инновацияларининг тадбиқ этишнинг самарали шакллари**

Дарсга куйиладиган асосий талаблардан бири-таълим методлари ва усулларини бир-бири билан мустахкам boglab олиб бориш самарадорлигини оширишдир.

#### **1.Анъянавий дарс ўтиш усуллари.**

- 1.Уқув мавзусини оғзаки баён (хикоя) килиш методи.
- 2.Сухбат (савол-жавоб) методи.
- 3.Дарслик билан ишлаш методи.
- 4.Намойиш килиш –курсатиш,саёҳат килиш методи.
- 5.Амалий машғулотлар (масалар ва лаборатория ишларини бажариш) методи.
- 6.Амалий кўникмаларни бажариш
- 7.Дастурли уқитиш методи

#### **11.Ноанъянавий дарс утиш усуллари.**

1. Конференция дарси
2. Семинар дарси
3. Техника воситалари ёрдамида дарс утиш.
4. Касбга бөглөб дарс утиш
5. Экспериментал дарс утиш
6. Бахс-мунозара дарси
7. Ёзма ишлар олиш
8. Интеграция
9. Илмий адабиётлардан фойдаланиш.

Педагогик технология - бу муайян лойиха асосида ташкил этиладиган, аник мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини система сифатида қараб, ушбу мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндошадиган таълимий тадбирдир.

Шахсга янгича қараш қўйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида шахс обьект эмас, субъект ҳисобланилади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланилади;
- этник маънавий қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждан ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларни демократлаштириш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- таҳсил олувчи ва таълим берувчи ҳуқуқлариниҳмат қилиш;
- ҳатони тузатишга имкон бериш;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- таҳсил олувчи ва таълим берувчи муносабати зайди: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

### **Замонавий педагогик технологияларни олий ҳамширалик иши фанларини ўқитиши жараёнига тадбиқ этиш**

Бугунги қунда ДТС асосида шакллантирилган таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усулларни учта тоифага ажратилмоқда. Бу тоифадаги усуллар ўқув предметлари ўқув машғулотларининг лойиҳаларини тузганда ва педагогик технологияни таълим жараёнига жорий қилинаётганда, билим соҳаларининг хусусиятидан келиб чиқиб, керакли жойларида ишлатилади. Буларга қўйидагилар киради:

**Биринчи тоифадаги усуллар** “Анъанавий усуллар” деб аталиб, тингловчи-ёшларга билимларни “етказиб бериш” тамойилига асосланадилар. Уларга: “Айтиб бериш”, “Кўрсатиб бериш”, “Намойиш”, “Маъруза тақдимоти”, “Савол-жавоб”, “Тўрт погонали усули” кабилар. **Иккинчи тоифадаги усуллар** “Интерактив” усуллар деб номланиб, билим олувчиларни билим эгаллашларида “Фаоллаштириш” тамойилига сунади. **Учинчи тоифадаги усуллар** “Ноанъанавий усуллар” дейилиб, таълим – тарбия жараёнини “Жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш” тамойилидан келиб чиқади (Методик тавсиянинг 6-бетида кўрсатиб ўтилган). Бу уч тоифадаги усуллар тарихан таркиб топиб, вақт ўтиши билан бири-биридан такомиллашиб, ўз даврининг талабига жавоб берганлар. Юқорида акс этирилган усулларнинг, “Педагогик технологиядан” ташқарисини амалда кўллаётганда, ижобий томонлари билан бир қаторда камчиликлари ва ноқулай томонлари мавжудлиги ўқув жараёнида аниқланган

*Таълим усулларининг натижавийлигини қайси мезонлар аниқлайди?*

*Яхши ёки ёмон усуллар мавжуд эмас. Усулнинг натижавийлигини бажарилган ёки бажарилмаган вазифа бўйича хулоса чиқарии мумкин.*

Қандай қилиб, кенг тарқалган усуллар, жумладан ақлий хужум ёки гурухли мунозарани натижавийлигини ўқув машғулотида ечиладиган топшириқлар билан боғлиқсиз, ёки аниқ амалий вазиятни таҳлил қилиш ва ечиш (кейс-стади) усулини натижавийлигини, ушбу усул қўлланилаётган ўқув машғулотининг мақсад ва вазифаларидан узилишда олдиндан баҳолаш мумкин.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, усулнинг **асосий натижавийлик мезонлари** қуйидагилар:

- белгиланган вазифаларни ҳал этиш учун уни қўллашнинг мослиги ва иқтисодийлиги;
- уни қўллашда соддаллик ва осонлик;
- нафақат энг яхши натижаларни таъминлаши, балки уларга эришишнинг юқори ишончлилигини таъминлай олиши.

Интерфаоллик таълим бериш соҳасида умуман янги ҳодиса-бунга биноан таълим берувчи:

- 1) ўқитувчи, бошқа талабалар, маъмурият билан фақат шахсий учрашув йўли билан эмас, балки таълим жараёнининг барча субъектлари билан фаол ўзаро ҳаракат қилиши мумкин;
- 2) мультимидали обьектларни таҳлил этиш жараёнида уларнинг мазмуни, шакли, ўлчови ва рангини ўзгарувчан бошқариш, уларни ҳар томондан кўриб чиқиш, шунга ўхшаш бошқа ҳаракатларни бажаришни, энг

кўп кўргазмалиликка эришишда тўхтатиш ва хоҳлаган жойида яна ишга тушириши мумкин.

Интерфаоллик даража қанча юқори бўлса, таълим бериш жараёни шунча натижали бўлади.

Педагогикада таълим усулларини таснифлашга (тартиблаштириш, бир гурухга бирлаштириш) турли ёндашишлар юзага келди. Улар тизимлаштиришни турли асосларида тузилган.

Таълим усулларини таълимий мақсадларга эришиш бўйича таълим берувчи (ўргатиш) ва таълим олувчини (ўрганиш) ҳамкорий фаолиятини йўли сифатида кўрсатиш улар хусусияти ва ўқув фаолиятини натижалари бўйича куйидагича гуруҳлаштириш имконини беради:

1 - гуруҳ: тайёр ўзлаштирувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билимларни 1 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

2 - гуруҳ: эсда қолганларни тасвирловчи ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 2 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

3 - гуруҳ: муҳокама қилувчи, қисман-изланувчилик ўқув фаолияти ва таълим олувчиларга билим ва кўникмаларни 3 - даражада ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар;

4 - гуруҳ: мустақил изланувчилик фаолияти ҳамда 4 - даражада билимларни ўзлаштиришни таъминловчи, усуллар.

## **Мавзу. Олий хамширалик иши фанларини ўқитиша интерфаол методлардан фойдаланиш истиқболлари (4 соат)**

**Режа:**

- 1.Педагогик махорат тушунчаси
- 2.Олий хамширалик фанларини ўқитища интерактив усулларни кўллаш
- 3.Муаммоли ўқитиш технологияси

### **Педагогик махорат тушунчаси**

#### **Педагогик махоратнинг мазмунидা:**

- 1.Педагогик инсонпарварлик йўналиши
2. Ихтисос мутахассисликка доир билимлар
3. Педагогик қобилият
4. Педагогик техника

Хозирги даврда биз педагогик махоратнинг асоси ўз устида ишлаб бориши, мустақил ўқишидир.

#### **Педагогик махоратнинг таркибий қисмлари:**

- Нутқ масалалри-саводли гапириш
- Тушунарли, таъсирчан-сўзда аниқ фикр ва хис-туйғуларни ифодалаш
- Мимика ва пантомимика-имо-пишора
- Маъноли қараш-рағбатлантирувчи муносабат
- Хиссий психик холат-ижодий жиддийлик
- Кайфият ёки истехзоли табассум

Хозирги замон дарси учта максадни; таълим,тарбия ва ривожлантириш максадларини кузда тутади. Ўқитувчилар дарс жараёнида биринчи навбатда укувчиларга фанлардан чукур ва мустахкам билим бериш билан бирга,уларда билимга кизикишни,мехнат килишга эҳтиёжни тарбиялаб боришини кўзда тутилади. Хозирги замон дарсига куйиладиган энг муҳим талаблардан бири хар бир дарсда танланадиган мавзунинг илмий асосланган булишидир,янги дарсдан кузланган максад хамда укувчилар имкониятини хисобга олган холда мавзу хажмини белгилаш унинг мураккаблигини аниклаш,аввалги урганилган мавзу билан бояш,укувчиларга берадиган топширик ва мустакил ишларнинг кетма-кетлигини аниклаш дарсда керак буладиган жихозларни белгилаш ва кушимча кургазмали куроллар билан бойитиш,кушимча ахборот технология (компьютер)ларидан фойдаланган холда дарсда муаммоли вазиятни яратишидир.

Мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли навқирон авлоднинг замонавий билим олиши, касб-

хунар эгаллаши учун бекиёс имкониятлар яратилган. Юртимиз ўғил-қизларини баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатлар доирасида иқтидорли ўқувчиларнинг чуқурлаштирилган тартибда ва инновацион технологиялар асосида билим олишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни соҳада ортирилган тажрибанинг халқаро миқёсда юксак эътироф этилаётганидан ҳам англаш мумкин. Хусусан, Тошкентр Тиббиёт Академиясида ўқув жараёни ва амалиётга татбиқ этилган ўзига хос ёндашувлар Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида қўлга киритилаётган муваффақиятларни ўзида яққол ифода этади. Эътиборлиси, уларга энг малакали педагоглар, шу жумладан, Тошкентр Тиббиёт Академияси кафедраларида профессорлар, фан номзодлари ва тадқиқотчилар иштирокида очик дарслар, давра сұхбатлари ҳам ўтказиб борилмоқда. Шунингдек, барча педагогларнинг инновацион технологиялар бўйича тизимли равишда малака оширишлари таълим самарадорлигини янада яхшилашга хизмат қилаяпти.

### **Олий ҳамширалик фанларини ўқитишида интерактив усулларни қўллаш**

Бугунги дарс машғулотларимиз ҳам мазмунан, ҳам ташкилий жиҳатдан бутунлай замонавийлашган, Педагоглар компьютер ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланаётганлигимиз туфайли ўрганилаётган мавзуни ўқувчига тўлақонли етказиш имкониятига эгамиз. Мухими, таълимдаги бундай янгича ёндашувлар ўқувчининг фанларни ўрганишга бўлган қизиқишини янада оширади. Турли видеолавҳалар воситасида, амалий машғулотларда инглиз тилидан сфордланиш, ўзаро баҳс ва мунозара олиб бориш, умуман, дарс жараёнида илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш учун кенг имкониятлар яратилган. Академияда ҳамма кафедралар интернетга уланган. Яъни ўқувчилар ўзлари қизиқсан фанлар бўйича интернет орқали ҳам тегишли маълумотни олишлари мумкин. ТТА ахборот-ресурс марказида эса адабиётлар ва дарс маъruzalарининг электрон кўринишидан фойдаланиш имконияти яратилган. Аудитория, клиника худудида лаборатория ҳам замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Интерфаол таълим методларини барча таълим муассасаларига татбиқ этиш асосида таълим самарадорлигини ошириш ва таълимни индивидуаллаштириш, шахсга йўналтириш, таълимда технологик ёндашувни шакллантириш, ҳамда фаол усулларни таълим жараёнларида қўллаш орқали ўқувчиларни мустақил равишда ўзлаштириш, таҳлил қилиш, ижодий

мuloҳаза юритишга, шахсий хулосалар чиқариш, эркин фикр юритишга ўргатиш – педагогнинг дастуриламал вазифаси сифатида.

Таълимнинг психологик асослари. Таълимнинг фаоллиги. Ўқитувчи билан боғланадиган тескари алоқа. Ижобий мустаҳкамлаш. Изчил ва концентрланган таълим. Кичик босқичлар билан таълим бериш. Таълим мақсадларини билиш. Таълим суръатини танлаш. Тиббий кадрлар тайёрлашда ҳамкорлик қилиш ва биргаликда ижод этиш педагогикаси. Дарс бериш методикаси. Клиник фанларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари. Тиббий этика ва деонтология. Шифокор амалиётида коммуникатив кўникмалар. Шахслараро мулокот.

Клиник фанларини ўқитишга ёндашув, унинг ўзига хос хусусиятлари. Клиник ўқитишнинг мақсади. Кўникмаларни ўқитиш тамойиллари. Клиник ўқитиш жараёнини машқ қилиш. Клиник фанларни ўқитишга ёндашувнинг асосий хусусиятлари. Ахборот тарқатиш усуллари. Maxsus фанларни ўқитишда ўқитувчиларни танлаш ва ўқитиш. Уларнинг вазифалари. Maxsus фанларни ўқитишни машқ қилиш. Яхши ўқитувчининг асосий белгилари. Намунали ўқитувчи ёки тренер. Машқ қилиш жараёнида ўқитиш сифатини баҳолаш. Тренер кўникмалари: ўз-ўзини баҳолаш жадвали.

Maxsus фанларни ўқитиш услублари. Maxsus фанларни ўқитиш усулларини таснифлаш. Таълим усул ва техникарининг хусусиятлари. Биринчи гуруҳ таълим усуллари. Маъруза, ҳикоя, тушунтириш, йўриқнома бериш, намойиш. Иккинчи гуруҳ таълим усуллари. Китоб билан ишлаш, тажриба усули, машқ.

Maxsus фанларни ўқитиш услублари. Учинчи гуруҳ таълим усуллари. Сухбат. баҳс (мунозара), Ақлий хужум усули, Ақлий хужум қоидаси. Инсерт усули (техникаси), пинборд техникаси, таълимий ўйин. Тўртинчи гуруҳ таълим усуллари. Муаммоли вазиятлар усули, лойиҳалар усули. Кейс стади усули.

Maxsus фанларни ўқитиш шакллари, уларнинг умумий таснифи. Гурухларда ҳамкорликда ишлашни ташкиллаштиш технологияси.

1. Ташкилий босқич.
2. Гурухли ишни бажаришга киришиш.
3. Гурухли иш.

4. Якун ясаш, таҳлил ва баҳолаш. Ҳамкорликда ўқитиш усуллари: “Илон изи” (Appa) техникасининг технологик харитаси. “Биргаликда ўрганамиз (Кооп кооп) усулининг технологик харитаси. “Ўйланг жуфтликда фикр алмашинг”.

Maxsus фанларни ўқитиш шакллари, уларнинг умумий таснифи. Графикли органайзерлар техникаси. Маълумотларни таҳлил қилиш ва солиштириш ва таққослашнинг йўл ва воситалари. Муаммони аниқлаш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этишни режалаштиришнинг йўллари ва воситалари.”Нима учун” схемаси. “Балиқ скелети” чизмаси. Қуйидан юқорига босқичма босқич бўйсунувчи “Қандай?” диаграммаси. Тузилмавий мантикий чизма “Погона”. “Пирамида” чизмаси. “Нилуфар гули” чизмаси.

Ўқитиш шакллари. Интерактив усулларни таълим бериш жараёнида қўллаш. Кўргазмали маъруза. Кўргазмали маърузанинг презентацияси. Кичик гурухларда ишни ташкил этиш. Кичик гурухларни шакллантириш. Вазиятли масала. Вазиятли масалаларни қўллашга камчиликлар. Вазиятли масалалар билан қандай ишлаш керак. Ақлий хужум. Ақлий хужумни ишлатиш афзаликлари ва камчиликлари. Гурухлашган мулоҳаза. Гурухлашган мулоҳазанинг афзаликлари ва камчиликлари.

Махсус фанларни ўқитиш воситалари. Махсус фанларни ўқитиш жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланиш. Билиш пирамидаси. Ахборотлар йиғиш ва улар билан ишлаш. Таълим воситалари таълим технологиясининг таркиби. Таълим воситалари: тушунча ва мазмuni. Таълим воситаларининг таснифи. Таълим воситаларини танлашни аниқловчи омиллар. Махсус фанларни ўқитишда аудио визуал воситалардан фойдаланиш. Синф доскаси. Флип-карталар. Прозрачкали проектор, слайдли LCD-проекторларни қўллаш. Уларнинг афзаликлари ва камчиликлари, Видеоролик, видеофильмлар. Масофадан туриб тиббий таълим бериш.

### **Муаммоли ўқитиш технологияси**

Махсус фанларни ўқитиш шакллари: маъруза турлари ва уларга қўйиладиган талаблар. Маъруза шаклида таълим беришнинг ўзига хос хусусиятлари. Маърузада ўқитиш технологиясининг жараёнли тузилмаси. Маърузаларда таълим технологияси. Маърузаларда намунавий моделлар ва технологик хариталар. Муаммоли маъруза, кўргазмали маъруза, анжуман маъруза. Уларда таълим бериш технологияси модели ва технологик хариталар.

Махсус фанларни ўқитиш шакллари: амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш услубиёти. Амалий машғулотларни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари. Амалий машғулотларда таълим бериш технологиясини лойихалаштириш ва режалаштириш.

Билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича таълим технологияси.  
1 Тайёргарлик босқичи.

2. Амалга оширувчи босқич: Амалий машғулот
3. Якуний босқич.

Муаммоли турдаги семинарда таълим технологияси.

1. Тайёргарлик босқичи.
2. Амалга оширувчи босқич: амалий машғулот.
3. Якуний босқич.

Клиник фанлардан таълим беришда муаммога асосланган ўқитиш усулини қўллаш. Тиббий таълимнинг тарихи ва истиқболи. Муаммога асосланган ўқитиш бўйича вазиятли масалалар ишлаб чиқиш. Муаммога асосланган ўқитишда муаммонинг роли. Муаммони таърифлаш: PICO; PIO; ADEPT. Исботларни қидириш учун қўлланиладиган саволлар ишлаб чиқиш усулларидан бири: муаммо, аралашув, таққослаш, натижалар формуласидан фойдаланиш. Ахборотлар қидириш.

Лойихалаштириш фаолияти услублари ва воситалари. Ўқув фаолиятининг лойихалаштириш усули: тушунчалар, долзарблиги ва усул вазифалари. Ўқув лойихалари турлари: тадқиқот лойиха, танишув тахминий, амалий мўлжалланган лойиха. Ўқув лойихавий фаолият тушунчаси. Ўқув лойиханинг услугбий паспорти. Ўқув лойихасини босқичма босқич бажариш. Ўқув лойихасини лойихалаштириш. Ўқув лойихасини ишлаб чиқиш. Ўқув лойихаси бўйича презентация тайёрлаш ва уни тақдим этиш. Ўқув лойихасини баҳолаш.

Амалий вазиятларни ҳал этиш усули - кейс стади. Ўқув амалий вазият: тушунчаси ва мақсади. Кейс: тарихий маълумот. Кейс стадининг мактаблари. Кейслар турлари. Кейснинг ишлаб чиқишининг процессуал тизими. Муаммони ифодаланиши. Кейс тузилмаси. Кейсда муаммони бериш усуллари. Кейс стади босқичлари: Тайёргарлик босқичи. Асосий босқич. Кейс технологияларини амалга ошириш. Таҳлилий, баҳоловчи босқич. Кейсни ечиш бўйича кичик гуруҳларни ташкил этиш, уларга талабаларни жалб этиш. Кейсни ечиш учун ахборот йиғиш усуллари, воситалари ҳамда ахборот манбаларини танлаш.

Клиник фанларни ўқитишининг ўзига хос хусусиятлари. Клиника шароитида машқ қилиш. Самарали клиник демонстрациялар ўтказиш. Клиник ўқитища анатомик муляжлардан фойдаланиш. Мижозларда клиник муолажаларни ўтказиш амалиёти. Клиник таълимда жараёнида мижозлар ва уларнинг ҳукуқлари.

Таълим жараёнида янги интерфаол усулларни қўллаш, таълим жараёни қатнашчиларининг интерфаол таълим юзасидан билим даражасини ошириш, таълим жараёнида илмий тадқиқотлар, ташкилий бошқарувни қўллаб қувватлаш ва таълимдаги интерфаол усул тизимини яратиш, Интерфаол таълим асосида дарсларни ташкил қилиш орқали таълим самарадорлигини ошириш, уни шакллантириш йўллари ишлаб-чиқилиб амалиётга татбиқ этилади.

Дарсга куйиладиган асосий талаблардан бири-таълим методлари ва усулларини бир-бири билан мустахкам boglab олиб бориш самарадорлигини оширишdir.

## **1. Анъанавий дарс ўтиш усуллари.**

- 1.Уқув мавзусини оғзаки баён (хикоя) килиш методи.
- 2.Сухбат (савол-жавоб) методи.
- 3.Дарслик билан ишлаш методи.
- 4.Намойиш килиш –курсатиш,саёҳат килиш методи.
- 5.Амалий машгулотлар (масалар ва лаборатория ишларини бажариш) методи.
- 6.Амалий кўнкималарни бажариш
- 7.Дастурли уқитиш методи

## **11. Ноанъанавий дарс утиш усуллари.**

1. Конференция дарси
2. Семинар дарси
3. Техника воситалари ёрдамида дарс утиш.
4. Касбга бөглөб дарс утиш
5. Экспериментал дарс утиш
6. Бахс-мунозара дарси
7. Ёзма ишлар олиш
8. Интеграция
9. Илмий адабиётлардан фойдаланиш.

## **Мавзу. Олий хамширалик иши фани йўналишидаги инновацион фаолият тузилмаси(4 соат)**

**Режа:**

- 1.Электрон партфолио тушунчаси
- 2.Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш
- 3.Фанларни ўқитишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш

### **Электрон партфолио тушунчаси**

**PORTFOLIO** — сўзи инглиз тилидан таржима қилинганда “муҳим хужжатлар папкаси” деган маънонини билдиради. Шунингдек, портфолио мутахассиснинг ўзига хос ютуқлари жамланмаси вазифасини ҳам бажаради

Ўқитувчи портфолиоси – ўқитувчининг педагогик фаолиятида фойдаланиш мақсадида ўзи тайёрлаган ёки тўплаган ҳамда тизимга келтирган методик материаллар йиғиндисидир. Мазкур материаллар қоғоз ёки электрон вариантда бўлиб, презентациялар, дарс ишланмалари, электрон ресурслар, бошқа ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибалар, методик тавсиялар кўринишида бўлиши мумкин. Портфолио ўқитувчига дарсларни қизиқарли ва самарали ташкил этиш билан биргаликда, ўз ҳамкасларининг илғор иш тажрибаларидан хабардор бўлиш ҳамда ўз тажрибасини оммалаштириш имконини беради.

Бу тадбирни нафақат мактаб ўқитувчилари балки, таълим муассасаси раҳбарлари ҳамда барча фан методистлари томонидан ҳам амалга оширилиши тавсия этилади.

“Ўқитувчи папкаси” нинг структураси қуйидагича бўлиши мумкин:

1.Ўқитувчи тўғрисида умумий маълумотлар:

- Исми - шарифи
- Маълумоти
- Мутахассислиги
- Малакатоифаси
- Педагогик иш стажи
- Дарсбераётганфани
- Ишставкаси (дарссоатлариҳажми)

2. Ўқитувчининг ўз устида мустақил ишлаш йўналиши ва унга оид материаллар:

- Малакаширишкурсларидан ўтганлиги
- Малакаширишдаги ижодий ишлари
- Конференциялар, семинар ва турли ўқувларда иштироки

- Турли йўналишдаги тажриба-синовларда иштироки

### 3. Ўқитувчинин муваффақиятлари

- Илгориштажрибаси
- Яратган янгиликлари, ўзининг маҳорати
- Мукофотлари
- Илмийдаражаси
- Турли тақдирлашлари

Мактаб директори, директорнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари мактабдаги дарс жараёнини сифатли амалга оширилишини назорат қилишга шахсан масъул ҳисобланади.

Шу сабабли ҳар куни ҳар бир ўқитувчининг дарс ишланмасини кўриб, тасдиқлаш жараёнида уларда дарсга кириш учун қуидаги энг муҳим ҳужжатлар бўлишини назорат қиласди:

- дарсишланмаси (конспекти);
- тақвим-мавзу режа;
- ўқувдастури;
- дарслик;
- дарсга оид кўргазмали воситалар (плакатлар, схема жадваллар, хариталар, электрон ресурслар ва бошқ.)

Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда инновацион педагогик фаолиятнинг муҳим шарти, предметга йўналтирилган ўқув фаолиятини шахсга йўналтирилган ўқув фаолиятига айлантирилаётган шароитларда бўлажак ўқитувчини тайёрлаш моделини ишлаб чиқиши ҳисобланади. - Педагогик инновацияларнинг мақсадлари-педагогик жараённинг ҳамма субъектларини шахсий ривожлантириш. Инновацион жараёнда педагогнинг тутган ўрни ўзгариши керак. Ўқитувчи билимларини етказиб берувчи эмас, балки ўқувчи шахсинининг ташкил топиши ва ривожланишида ёрдамчи сифатида иштирок этади. -Ўқув жараёнини ташкил этиш характеристи. Ўзлаштириш жараёни эскича ёдлаб олиш хусусиятларини йўқотиб, ўқув араёни субъектларининг ўзаро алоқалари ва фикрлаш фаолиятларини турли шаклларида содир бўлади.

-Мустақил ўрганиш фаолиятини баҳолаш.

-Янги педагогик тажрибаларни ўзлаштириш.

-Таълимнинг ўзгараётган мазмуни ва мақсадларини мос равища билимларни, малака ва кўникмаларни эгаллаш бўйича маҳсус ишлар. Бундай муносабатларнинг характеристи томонлари: -таълим бериш ва тарбияда шахсга йўналтирилган йўлни амалга ошириш; -аста-секин гурӯҳли ўзаро алоқадан

индивидуал алоқага ўтиш; -ўқувчиларга қўйиладиган тўғридан-тўғри педагогик талаблардан маслаҳат, илтимос ва таклифларга ўта бориш; -ўқувчилар билан бўладиган иш муносабатларнинг хис-туйғуга ўта бошлиши;

-коммуникатив иш фаолиятининг доимо назоратда бўлиши; -ўқувчига унинг ривожланишидаги ёрдамни инсоний ва маданий муносабатларни тарбиялаш орқали вужудга келтириш.

### **Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш**

Ҳозирги замон илмий-техник инқилоб босқичининг характерли хусусиятларидан бири жамият ҳаётининг барча жабҳаларини компьютерлаштиришдан иборатлиги касбий ва шу қаторда педагогик фаолиятнинг таркибини кескин ўзгартаришни келтириб чиқаради. Таълим тизими барча бўғинларининг ахборот технологияларидан фойдаланиши таълимнинг ахборотлашувида кундалик талабни келтириб чиқаради, бу эса, ўз навбатида, техника олий ўқув юртининг бўлажак касбий таълим ўқитувчисидан янги ахборотлар мухитида бемалол ишлай олувчи қўнималарни ўзлаштиришни талаб этади. Умумлашган ҳолда ёш ўқитувчи салоҳиятини оширишида унинг шахсига қўйиладиган асосий талаблар: касбий билимдонлик, зиёлилик, маънавий баркамоллик, ижодкорлик, маданиятлилик, қатъиятлилик, уддабуронлик.

Ҳозирги даврда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кескин кучайганлиги учун ҳам ўқитувчига ва ҳам ўқувчига жуда катта ва турли-туман ахборот технологиялари билан ишлашга тўғри келганлигидан уларнинг асосийларини юксак билим ва ақл-идрок билан ажратиб олиш зарур. Шунинг учун ўқитувчилар меҳнати ва билимини ташкил қилиш учун куйидагилар зарур:

1. Бўлажак педагогнинг биргина ахборот технологиялари мухитида ишлашга тайёргарлигини ташкил этиш. Бу муаммони ахборот технологияларини билиш ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш маъносида қараш мумкин.
2. Педагогнинг фикрини жамлаш, вақтини тежаш ҳамда ўқитиши методикасини ташкил этишга имкон берувчи ягона ахборот тизимиға яқинлаштириш.
3. Ахборот технологияларидан фойдаланиб таълим беришга тайёрланиш ва унга ўтиш. Бундай ўтиш ўқув курсларини ахборотли-компьютерли ҳолга ўтказиши кўзда тутади.

4. Бирлашган ахборот ҳажмидаги ўқув жараёнининг дастурий-методик таъминланишини тайёрлаш.

Инновацион-лотинча сўз булиб, янгиликни киритаман, татбиқ этаман, ўзгартираман» деган маъноларни билдиради.

#### **1.Моделлаштириш (тренировка)**

2. Намойиш килиш
3. Кичик гурухларда ишлаш
4. Акмий хужум
5. Танкидий тафаккур
6. Дебатлар
7. Нуктаи назаринг булсин
8. Хар Ким хар кимга ургатади
9. Ролли уйинлар
10. Муайян холатни (вазиятни) урганиш
11. Модификацияланган маъруза
12. Ахборот технологиялари (компьютер) ёрдамида.

### **Инсон билимининг манбалари нима?**

Амалиёт, жонли мушохада, сизга, идрок, тасаввур, тафаккур, амалиётга татбик этиш.

### **Талабалар билимини текшириш ва баҳолаш методлари.**

1. Савол-жавоб
2. Тест
3. Киска ёзма иш
4. Мустакил иш
5. Тарқатма материаллар
6. Шаблон усули
7. Реферат ёзиш
8. Янги мавзудаги интерфаоллик
9. Машқ ёзиш ёки масала ечиш
10. Лаборатория ишини бажариш.

### **Юкорида кўрсатилган усуллардан инновацион усуллар афзаллиги**

- талаба ўз кўзи билан кўради;
- тушиниш ва эслаб қолишга ёрдам беради
- қизикишини оширади;
- ўқитишининг жуда фаол шакли эканлиги

### **Фанларни ўқитиша хорижий тажрибалардан фойдаланиш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, шунингдек, ўқитувчилар малакасини ошириш ҳамда замонавий ўқув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш зарурлиги хақида сўз боради (5). Қарорда таъкидланганидек, бугунги кун замонавий педагогик ва ахборот-

коммуникация технологияларидан фойдаланиб, ўқитишнинг илғор усулларини жорий этиш орқали ёшларга чет тилларни ўргатиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассислар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, ҳалқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишни тақозо этади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг 3.3.2-бандида узлуксиз таълимни ислоҳ қилиш учун белгиланган вазифаларни амалга оширишда ҳам чет тилини ўрганиш талаб қилинади. Демак, таълимнинг барча турларида чет тилни ўрганиш мақсадга мувофиқ. Чет тилни ўқитишда эса жаҳон тажрибасида синовдан ўтган таълим технологияларини қўллаш самарали натижалар бериши аён. Қўйида биз чет тилларни ўрганишда қўллаш мумкин бўлган айрим таълим технологияларидан намуналар келтирамиз: Инсерт жадвали. Ҳар бир талабага жадвал шаклидаги матн тавсия этилади. Талаба матнни ўқиши жараёнида жадвалнинг чап томонига маҳсус белгиларна қўйиб боради. Мустақил ўқиши вақтида олган билимларни, эшитган маълумотларни системага солишини таъминлайди. Олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, кузатиш, аввал ўзлаштирган маълумотларга боғлаш кўникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Ўқиши жараёнида олинган маълумотлар талаба томонидан алоҳида тизимлаштириллади, жадвал устунларига киритилади.

“V” – мен билган маълумотларга мос. “–” – мен билган маълумотларга зид. “+” – мен учун янги маълумот. “?” – мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

| Чет тилларини ўрганиш борасидаги ислоҳотлар   |   |   |  |
|---|---|---|--|
| V   | -   | +   | ?  |
| 1. Чет тилни ўрганиш.<br>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон Қарори.<br>3. ... | 1. Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш. | 1. Чет тилларни ўрганишни ташкил қилишнинг амалдаги тизими.<br>2. | 1. Илғор ахборот ва медиа-технологиялардан фойдаланиш борасидаги талаблар.<br>2. Ҳалқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар. |

Синквейн. Синквейн сўзи француз тилидан олинган бўлиб, “беш қатор” шеър деган маънони англатади. Синквейн усули ёрдамида муайян тушунчалар асосида мавжуд маълумотлар таҳлил ва синтез қилиниб, ёзилади. Синквейннинг биринчи қаторда – битта сўз (от), иккинчи қаторда – асосий тушунча иккита сифат билан берилади. Учинчи қаторда учта сўз ҳаракатни ифодалаши тақозо этилади(феъллар). Тўртинчи қатор тўртта сўздан иборат бўлиб, ушбу тушунча муносабатларни англатади. Бешинчи қатор бир сўздан иборат бўлиб, тушунча ҳақида юқоридаги барча маълумотларни қамраб олади (10, 143-б.).

Синквейн тузиш қоидалари:

1-қатор: мавзу бир сўз билан ифодаланади (от сўз туркуми).

2-қатор: мавзу иккита сифат билан ифодаланади.

3-қатор: мавзу доирасидаги хатти-ҳаракат учта сўз билан ифодаланади (Зта феъл ёки равищдош).

4-қатор: мавзуга нисбатан муносабатни англатувчи ва тўртта сўздан ташкил топган фикр ёзилади.

5-қатор: мавзу моҳиятини такрорлайдиган, маъноси унга яқин бўлган битта сўз ёзилади.

Дарсга куйиладиган асосий талаблардан яна бири, барча дидактик вазифалар дарснинг узида хал этилиши, уйга бериладиган вазифалар укувчиларнинг дарсда олган билимларининг мантикий давоми булиши керак. Дарс давомида уқитувчи укувчиларнинг жисмоний холатини,ижодкорлигини,тез фикрлашларини хисобга олиши керак. Утилган хар бир дарснинг укувчилар Билан бирга тахлил килиб борилиши хам яхши натижа бермокда.

Дарснинг тахлил килинишида кузланган максадга эришилдими, талабалар кандай билимга эга булдилар,кандай камчиликларга йул куйилди? Бундай тахлил дарснинг келгусида янада сермазмун ташкил этилишига ёрдам беради.

1.Ташкилий қисмда дарс мавзуси ва мазмуни ҳакида ахборот берилади.

2.Ўтилган дарсни такрорлаш учун бериладиган саволлардан педагог дарснинг бошланишида муаммоли вазиятни вужуддга келтириш учун фойдаланади.

3.Янги мавзуни тушунтиришда дарс сухбат асосида олиб борилиб,укувчилар мавзуни «Аклий хужум» асосида талаба билан биргаликда тахлил киладилар.

4.Гурухларнинг хар бирида талабалар «Акмий хужум» асосида жавоб берадилар ва бошкалар билан бирга дарс якуини чикарадилар.

5.Уйга топшириклар боскичидаги берилган мавзуда ёки машқ қисман педагог томонидан тушунтирилади.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Дарсларни янги усулларда ташкил этиш деганда нимани тушунасиз
2. Анъанавий дарс утиш методлари деганда нимани тушунасиз
3. Ноанъанавий дарс утиш методлари.деганда нимани тушунасиз
4. Инновацион усуллар хақида гапиринг
5. Педагогик технологияларга нималар киради?
6. Замонавий таълим технологиялари
7. Таълим соҳасидаги инновация тўғрисида тушунча
8. Педагогик технология деганда нимани тушунасиз?
9. Муаммоли таълим технологиясининг қандай йўналишларини усуллари мавжуд?
- 10.Дастурлашган ва дифференциялашган таълим технологияларида ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти деганда нимани тушунасиз?
- 11.Олий хамширалик иши фанларини ўқитишда инновацион педагогик фаолиятнинг муҳим шарти
- 12.Инновация деганда нимани тушунасиз
- 13.Инсон билимининг манбалари нима?
- 14.Инновацион усуллар афзаллиги

## ГЛОССАРИЙ

**Технология** (юононча.techne маҳорат+ logos таълимот) – ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш усуллари ва услублари тўғрисидаги билимлар мажмуаси.

**Инновация** – бу таълим муассасасининг анъанавий ва умумамалий ривожланишдан фарқли равишда прогрессив ривожланишига ёрдам берувчи янгилик.

**Педагогик технология** – бу педагогик фаолиятнинг муваффақиятига кафолат берувчи жиддий илмий лойихалаш ва аниқ қайтаришдир.

**Олий таълимда технология** – аниқ бир мутахассислик бўйича битирувчини тайёрлашга қаратилган ўқитишининг усуллари, услублари мажмуаси.

**Олийгоҳ педагогининг профессионал ваколати** – мутахассиснинг интеграл таърифи бўлиб, унинг хакконий вазиятда профессионал муаммолар ва типик профессионал вазифаларни хал қила олишидир.

**Муаммоли вазият** – бир бирига зид бўлган маълум бир ечимга эга бўлмаган вазият

**Педагогнинг лойихалаштириш қобилияти** – ўз шахсий фаолиятинио. Талабаларнинг таълим олишини режалаштираолиш қобилияти;

**Педагогнинг асосли (конструктив) маҳорати** – курсга мўлжалланган ўқув жараёнини режалаштираолиш қобилияти;

**Педагогнинг коммуникатив маҳорати** – педагогнинг талабалар, хамкаслар ва маъмурият билан ўзаро алоқа ўрната олиш қобилияти;

**Педагогнинг ташкилотчилик маҳорати** – нафақат ўзининг, балки талабаларнинг хам фаолиятини ташкил қила олиш қобилияти.

**Типик вазиятли масалалар** – репродуктив фаолиятга қаратилган масалалар